

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РАХИМОВ АБДУРАХМОН НАИМОВИЧ

**COVID-19 ЎТКАЗГАН СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ
БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ЭНДОТЕЛИЙ
ДИСФУНКЦИЯСИНИНГ КЛИНИК-ПРОГНОСТИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахимов Абдурахмон Наимович

COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан
хасталанган беморларда эндотелий дисфункциясининг клиник-
прогностик жиҳатлари 3

Рахимов Абдурахмон Наимович

Клинико-прогностические особенности дисфункции эндотелия у
больных хронической сердечной недостаточностью, перенесших
COVID-19 21

Rakhimov Abdurakhmon Naimovich

Clinical and prognostic features of endothelial dysfunction in patients
with chronic heart failure after COVID-19 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work 42

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РАХИМОВ АБДУРАХМОН НАИМОВИЧ

**COVID-19 ЎТКАЗГАН СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ
БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ЭНДОТЕЛИЙ
ДИСФУНКЦИЯСИНИНГ КЛИНИК-ПРОГНОСТИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1662 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)да жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|---|
| Илмий раҳбар: | Камилова Умида Кабировна тиббиёт фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Мухамедова Муяссар Гафуржановна тиббиёт фанлари доктори, доцент Қурбанов Нурали Абдурахманович тиббиёт фанлари доктори |
| Етакчи ташкилот: | Тошкент тиббиёт академияси |

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57, e-mail: info@cardiocenter.uz)

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ тарқатилди.

2022 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.

Р.Д.Қурбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

Г.У.Муллабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлар доктори

А.Б.Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) дунё миқёсида энг кўп тарқалган бўлиб, ногиронлик ва ўлимнинг асосий сабаби эканлигича қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра «... ЮҚТК дан ҳар йили 17,9 миллион киши вафот этади, бу эса дунёдаги барча ўлимларнинг 30%ини ташкил қилади...»¹. Кўп марказли тадқиқотлар маълумотларига кўра, ЮҚТКдан ўлим сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) бўлган беморларда кўпроқ учрайди. COVID-19 пандемияси даврида сурункали юрак етишмовчилиги ўлим кўрсаткичлари инфицирланмаган СЮЕ бор беморларга нисбатан сезиларли даражада ошди. Касаллик ривожланишининг дастлабки босқичларида касалликнинг клиник белгиларини эрта аниқлашда анъанавий клиник, лаборатор усуллардан ташқари сезгир усуллардан бўлган иммунофермент усулларини қўллаш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларларда эндотелий функциясини, юракнинг клиник-функционал хусусиятларини баҳолаш; сурункали юрак етишмовчилигининг клиник кечишидаги функционал маркерларни аниқлаш; касаллик ривожланиш хавфини специфик биомаркерларни қўллаган ҳолда эрта аниқлаш ва прогнозлаш тартибини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шулар билан бир қаторда COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларларда юрак ремоделлашувини объектив баҳолаш усулларини такомиллаштириш, касаллик этиопатогенезининг янги жиҳатларини ва эрта белгиларини очиб бериш, касаллик ривожланиши ва кечишини прогнозлаш, ҳамда патогенетик йўналтирилган даволаш услубларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизмат тизимни жаҳон талабларига мослаштириш, жумладан юрак-қон томир касалликларини эрта ташхислаш орқали унинг асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда сурункали юрак етишмовчилиги касалликларида клиник ўзгаришларни ташхислаш ва касаллик ривожланиш хавфини

¹ World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2014/en/statistics.htm>; 2014

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

прогнослашни такомиллаштириш ҳамда ногиронлик ва салбий оқибатларга олиб келувчи сабабларини камайтириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПФ-4649-сон «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 22 апрелдаги ПФ-4691-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қатор тадқиқотлар COVID-19 нинг юрак-қон томир тизимига таъсири ва унинг патогенетик механизмларини ўрганишга бағишланган (Azevedo RB, Hollanda JVG., 2021; Adu-Amankwaah J, 2021; Вахненко Ю.В., 2021). Сурункали юрак етишмовчилигининг шаклланиши, клиник кечиши ва прогнозида муҳим омил бўлган нейрогуморал омилларни баҳолаш диволаш ва профилактика чораларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга (Inamdar A.A., 2017; Арутюнов Г.П., 2019).

COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда SARS-CoV-2 нинг бевосита ва билвосита эндотелий ҳужайраларини шикастлантириши ренин-ангиотензин-адъдостерон тизими фаоллиги оширади ва бу касаллик кечиши зўрайиши ҳамда ноҳуш прогноз ривожланиши хавфини кучайтиради (South A.M., Diz D.I., 2020; Bourgonje A.R., Hillebrands J.L., 2020). Бир қатор марказларда ўтказилган когорт тадқиқотларда COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда эндотелий дисфункцияси биомаркерлари, РААТ гормонлари миқдорининг ортиши ўлим хавфи ва ноҳуш прогноз кўпайишини кўрсатди (Cooper S.L., Boyle E., 2021; Tomasoni D., 2021). СЮЕ ни даволашнинг замонавий тамойилларида касаллик асоратлари ва ноҳуш прогнози шаклланишига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда индивидуал ёндашув зарурати асослаб берилган (Беленков Ю.Н., 2019; Young K.A., 2021).

Ўзбекистонда СЮЕ ривожланишида ва патогенезида бир қатор нейрогуморал омилларни ташхислаш бўйича юрак-қон томир касалликлари шаклланишидагини ролини аниқлашга қаратилган қатор, жумладан қуйидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган: сурункали юрак етишмовчилигида

нейрогуморал омилларни ҳисобга олган ҳолда эрта ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқилган (Курбанов Р.Д., Абдуллаев Т.А., 2019; Курбанов Н.А., 2019), касаллик туфайли келиб чиқадиган юрак-қон томир ремоделлашув жараёнларининг ўзига хосликлари баҳоланган (Гадаев А.Г., 2020; Камилова У.К., 2021), бироқ, COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда сурункали юрак етишмовчилик ривожланишида эндотелин-1, РААТ гормонлари ўзгаришлари ташхисотини илмий асослашга қаратилган ишлар бажарилмаган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишини башоратлашда нейрогуморал омилларни янги тамойилларини асослаб бериш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида № MRB-2021-522 «COVID-19 реконвалесцентларда кардиоваскуляр хавфни аниқлаш алгоритми ва мобил илова ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2021–2022 йиллар).

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда касаллик кечишининг клиник-нейрогуморал предикторларни аниқлаш ҳамда прогнозлаш услубларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда касаллик клиник кечиш хусусиятларини баҳолаш;

COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда эндотелий дисфункциясининг гуморал маркерларини (эндотелин-1, ренин, ангиотензин II, альдостерон) аниқлаш;

COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда юрак ва қон томир ремоделланишувини баҳолаш;

COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда касаллик кечиши ва юрак-қон томир ремоделланиш жараёнларини гуморал омиллар ҳолати билан боғлиқлигини баҳолаш;

COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда эндотелий дисфункцияси ва касаллик кечишини эрта прогнозлаш усулларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида стационар шароитда даволанган 138 та COVID-19 ўтказган I-III функционал синф (ФС) сурункали юрак етишмовчилиги бўлган (NYHA бўйича) юрак ишемик касаллиги (ЮИК) билан касалланган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сўровномалар, функционал, биокимёвий, иммунофермент тадқиқотлар натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида клиник ҳолатни баҳолаш, эхокардиография, доплерография, биокимёвий, иммунофермент, ҳамда статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

COVID-19 ўтказган беморларда сурункали юрак етишмовчилигининг клиник кечиши хусусиятлари намоён бўлишида эндотелин-1 ва ренин – ангиотензин – альдостерон тизими кўрсаткичлари салбий ўзгаришлари аниқланган.

COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда юрак-қон томир ремоделланишуви жараёнларининг зўрайиши юрак систолик функцияси ва глобал бўйлама деформацияси пасайиши билан кечиши аниқланган;

COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда эндотелий дисфункциясининг гуморал омиллар ҳолати билан касаллик клиник кечиши ва юрак ремоделланиш жараёнлари яққоллиги орасида узвий боғлиқлик мавжудлиги асосланган;

COVID-19 ўтказган беморларда сурункали юрак етишмовчилиги кечишини эрта прогнозлашга ёндашув прогностик матрица ишлаб чиқиш натижасида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

тадқиқот асосида COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган беморларда эндотелий дисфункциясини ривожланиш предикторлари аниқланган;

COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган беморларда касаллик кечишини башоратловчи прогностик матрица яратилган;

COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган беморларда эндотелиал дисфункция биомаркерлари кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда касаллик кечишини эрта прогнозлаш самарадорлигини ошириш бўйича ёндошувлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга зарурий клиник, биокимёвий, иммунофермент, генетик ҳамда статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункцияси ривожланишининг клиник - патогенетик ва генетик жиҳатларини таҳлил қилишда ҳорижий ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққослангани, хулоса ва олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатамизда COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги бор беморларда касаллик ривожланишини эрта аниқлаш, эндотелиал дисфункция биомаркерлари ўзгаришларнинг клиник-функционал кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги бор беморларда касаллик ривожланишини эрта аниқлаш ва прогнозлаш имконини берувчи омилларни эрта аниқлаш ва бартараф этиш

беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, асоратлар ривожланиш хавфини камайтириш, эрта ногиронлик ва ўлимини олдини олиш билан изоҳланади

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда эндотелий дисфункциясини клиник-прогностик аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касаллик кечишини эрта прогноزلаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «COVID-19 ўтказган беморларда кардиореспиратор тизими коморбид касалликларини эрта ташхислаш ва кечиш хусусиятларини башоратлаш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 05 сентябрдаги 8н-з/456-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморлар касаллик ривожланишини прогноزلаш, касаллик кечишини яхшилаш имконини берган;

COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда касалликни эрта аниқлаш, касаллик кечишини прогноزلаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, Тошкент вилояти соматик клиник шифохонаси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 11 ноябрдаги 08-35621-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда касаллик ривожланишига мойилликни эрта аниқлаш, клиник кечишини прогноزلаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 таси Республика ва 3 таси халқаро илмий журналларда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқот долзарблиги ва талабга мослиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети билан тавсифланган, республика илм-фан ва технологиянинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«COVID-19 ва юрак етишмовчилиги ривожланишидаги эндотелиал дисфункцияни баҳолашда гуморал омилларнинг аҳамияти»** деб номланган биринчи бобида COVID-19 ва юрак қон-томир тизими касалликларида эндотелий дисфункцияси ривожланиш патогенезида ренин-ангиотензин-альдостерон тизимининг таъсири ва унинг касаллик ривожланишидаги аҳамияти таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда эндотелий дисфункциясини аниқлаш методологияси»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг умумий тавсифи, тадқиқот усуллари ва натижаларини баҳолашда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган 35-70 ёшдаги 138 та бемор Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий амалий тиббиёт марказида стационар даволанган бўлиб, уларнинг ўртача ёши $60,89 \pm 0,42$ ёшни ташкил этди. Шулардан 53,62% эркаклар (74 та), 46,38% аёллар (64 та). Беморлар олти дақиқали юриш синамаси (ОДЮС) ва NYHA таснифига асосан СЮЕ ФС бўйича гуруҳларга ажратилди. I ФС гуруҳига 32 (23,18%) та бемор кириб, уларнинг ўртача ёши $59,2 \pm 0,48$ ни ташкил этди. II ФС гуруҳини ўртача ёши $61,3 \pm 0,51$ бўлган 56 (40,57%) та бемор ва III ФС ни ўртача ёши $61,8 \pm 0,83$ бўлган 50 (36,23%) та бемор ташкил этди. Таққослаш гуруҳини COVID-19 ўтказмаган СЮЕ бор 60,11 \pm 0,64 ёшдаги 60 та шулардан 56,66% эркаклар (34 та), 43,34% аёллардан (26 та) иборат беморлар гуруҳи ташкил қилди.

Беморлар қабул қилган оптимал медикаментоз терапия қуйидагича эди: АПФ ингибиторларини 57,2% беморлар, АРБлар – 42,8%, БАБ – 100%, диуретиклар – 48%, спиронолактон – 74,8%, аспирин – 83,4%, клопидогрел – 16,6%, нитратлар – 24%, статинлар беморларнинг 92% қабул қилган.

Барча беморлар кенг қамровли текширувдан ўтказилди: олти дақиқалик юриш тести (ОДЮС), клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ), ЭКГ, клиник-биокимёвий текширувлар, доплерография билан эхокардиография (ЭхоКГ). Қон зардобидида эндотелин 1, ренин, ангиотензин II ва альдостерон миқдори «Human ET-1», «ELISA Kit» (АҚШ), «Renin DRG» (Германия), «Spinreact» (Испания) ва «Monocent» (АҚШ) фирмаси реактивлари ёрдамида

иммунофермент таҳлили (ИФТ) «Humareader» HS (Германия) ускунасида амалга оширилди.

Истисно мезонлари куйидагилардан иборат: жигар ва буйрак функциялари бузилиши билан кечувчи касалликлар, сурункали ўпка обструктив касаллиги, мураккаб аритмиялар, қандли диабет; анамнезда бош мия ўткир қон айланиш бузилишлари ўтказганлиги.

Диссертациянинг «**COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда касаллик клиник кечишининг хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобда COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморлар ҳамда COVID-19 ўтказмаган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморлардаги касаллик кечиш хусусиятлари таҳлил қилинган.


COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморлар ҳамда назорат гуруҳи сифатида олинган COVID-19 ўтказмаган СЮЕ бор беморлар жисмоний зўриқишларга чидамлилиқ ОДЮС ёрдамида текширилганда натижалар куйидагича бўлди. Биринчи гуруҳда I ФС учун $402,5 \pm 3,2$ метрни ташкил қилган бўлса, назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич дастлабки гуруҳдан 10% га яхшироқ бўлиб, $440,7 \pm 4,6$ метрни ташкил қилди. Биринчи гуруҳда II ФС учун ОДЮС $332,5 \pm 2,8$ метрни ташкил қилган бўлса, назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич биринчи гуруҳдан 16% га яхши эканлиги қайд қилинди ($384,1 \pm 3,1$ метр). Яққол фарқ III ФС орасида кузатилди, бунда COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларнинг жисмоний зўриқишларга чидамлилиқ даражаси COVID-19 ўтказмаган СЮЕ бор беморларга нисбатан 20% га пасайганлиги кузатилди ($173,3 \pm 3,4$ га $217 \pm 4,1$ нисбатан).

COVID-19 ўтказган СЮЕ бор беморлар ФС ичида олинган таҳлилда I ФС даги беморларнинг жисмоний зўриқишларга чидамлилиги ОДЮС баҳоланганда $402,51 \pm 3,23$ метрни ташкил қилди. СЮЕ II ва III ФС ли беморларда жисмоний зўриқишларга чидамлилиқ СЮЕ I ФС ли беморлар ОДЮС натижаларидан 18% ва 60% пасайганлигини кўрсатди ва мос равишда $384,1 \pm 3,14$ ва $173,32 \pm 3,48$ метрларни ташкил этди ($p < 0,01$).

COVID-19 ўтказган ва ўтказмаган СЮЕ билан хасталанган беморларнинг клиник ҳолатлари клиник ҳолатини баҳолаш шкаласи (КХБШ) ёрдамида таҳлил қилинганда COVID-19 ўтказган СЮЕ бор беморлар I ФС да КХБШ нинг дастлабки кўрсаткичлари $4,16 \pm 0,21$ баллни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич $4,25 \pm 0,14$ баллни ташкил қилди. Биринчи гуруҳ II ФС да беморлар клиник ҳолатининг ёмонлашуви сезиларли даражада бўлди, бунда COVID-19 ўтказган беморларнинг курсаткичи COVID-19 ўтказмаган беморларнинг курсаткичидан 19,3% га пасайганлиги аниқланди ($p < 0,05$). СЮЕ III ФС учун эса ушбу кўрсаткич назорат гуруҳи беморларининг кўрсаткичларидан ишонарли даражада 27,57% га паст эканлиги аниқланди ($p < 0,01$).

COVID-19 ўтказган СЮЕ бор беморлар ФС ичида олинган таҳлилда I ФС даги беморларнинг клиник ҳолатлари ўртача $4,25 \pm 0,14$ баллга баҳоланган бўлса, II ФС да ушбу кўрсаткич сезиларли даражада 40% га баланд бўлиб, $5,98 \pm 0,01$ га

тенг бўлди ($p < 0,05$). III ФС да ушбу кўрсаткич 2 баробар юқори бўлиб, $7,68 \pm 0,01$ баллни ташкил қилди ($P < 0,001$) (1-расм).



1-расм COVID-19 ўтказган ва ўтказмаган СЮЕ билан хасталанган беморларда ОДИОС ва КХБШ кўрсаткичлари

Изоҳ: * - $p < 0,05$; ** - $p < 0,001$ I ФС кўрсаткичига нисбатан

COVID-19 касаллигининг кечишига кўра гуруҳларга ажратилганда беморлар куйидагича тақсимланди. Бунда 34,05% ($n=47$) беморда COVID-19 касаллиги энгил кечгани, 40,28% ($n=56$) беморда касаллининг ўрта оғир кечгани, 25,36% ($n=35$) беморда касалликнинг оғир кечгани қайд қилинди. Бу беморларнинг ФС ичида тақсимланиши куйидагича бўлди: СЮЕ I ФС 32 бемордан ташкил топган бўлиб, шулардан 65,62% ($n=21$) беморлар COVID-19 касаллигини энгил ўтказганларга, 18,75% ($n=6$) беморлар касалликни ўрта оғир даражада ўтказганлар, ҳамда 15,62% ($n=5$) беморлар касалликни оғир даражада ўтказганлар. СЮЕ II ФС да энгил ўтказганлар 33,92%, ўрта оғир даражада ўтказганлар, гуруҳнинг тенг ярмини (50%) ва оғир даражада ўтказганлар 16,07% ни ташкил қилди. СЮЕ III ФС да эса касаллигини энгил ўтказганлар сони I ФС даги беморлардан 3 баробар кам бўлиб 14% ($n=7$) ни ташкил қилган бўлса, гуруҳнинг асосий қисмини касалликни ўрта оғир ва оғир ўтказган беморлар ташкил қилди (46% га 40% нисбатда).

COVID-19 ўтказган СЮЕ бор беморлар ФС орасидаги респиратор кўрсаткичлар баҳоланганда СЮЕ бор I ФС беморларда мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ) зарарланиш даражаси бўйича ўпканинг зарарланиши ўртача $26,81 \pm 1,72$ % ни ва SpO_2 $94,3 \pm 0,16$ % ни ташкил қилса, худди шу кўрсаткич II ФС учун $39,76 \pm 1,13$ % га $92,8 \pm 0,14$ % ни ташкил қилди. Ўпканинг зарарланиш даражалари максимал бўлган III ФС да ўпка тўқимасининг зарарланиши I ФС дан 2 мартаба кўп бўлиб, ўртача $48,85 \pm 1,22$ % ни, SpO_2 $-91,1 \pm 0,2$ % ни ташкил қилади.

COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган бемор қонида СРО, фибриноген, Д-димер миқдорининг сезиларли даражада кўтарилганлиги кузатилди. Бунда назорат гуруҳида СРО $9,8 \pm 0,54$ мг/л ни, фибриноген $421,4 \pm 8,62$ мг/дл ни, Д-димер эса $0,4 \pm 0,02$ мг/л ни ташкил қилган бўлса, COVID-19 ўтказган беморлар қонида

СРО нинг миқдори назорат гуруҳидаги беморлар қонидан 2,5 мартага ($p < 0,01$), фибриноген 17,34% га, Д-димер 1,5 мартага ошганлиги қайд этилди ($p < 0,01$).

I ФС да СРО $5,3 \pm 0,87$ мг/л ни, фибриноген $384,92 \pm 13,23$ мг/дл ни, Д-димер эса $0,41 \pm 0,02$ мг/л ни ташкил қилган бўлса, II ФС беморларда СРО миқдори 2 баробарга ($12,8 \pm 0,70$) ($p < 0,01$), фибриноген, миқдори 16,14% ($568,62 \pm 11,59$) га, Д-димер миқдори 30% га ошганлиги ($0,52 \pm 0,02$) қайд этилди. III ФС даги беморлар қонидаги СРО, фибриноген, Д-димерларнинг миқдори I ФС га нисбатан сезиларли даражада ошганлиги кузатилди. Бунда СРО миқдори бир неча баробарга ($41,5 \pm 4,02$) ($p < 0,001$), фибриноген, миқдори 1,5 мартага, ($568,62 \pm 11,59$) ($p < 0,01$) га, Д-димер миқдори 2 мартага ошганлиги қайд этилди ($p < 0,01$).


СРО миқдори нормал даражада бўлган беморларда ОДЮС кўрсаткичи $383,69 \pm 8,43$ м ни, КХБШ кўрсаткичи эса $5,18 \pm 0,17$ баллни ташкил қилган бўлса, СРО миқдори нормадан баланд беморлар гуруҳида ушбу кўрсаткичлар мос равишда ОДЮС учун 50,78% га паст ($254,68 \pm 9,63$) ($p < 0,01$) ва КХБШ учун 43,82% га баланд ($7,45 \pm 0,12$) ($p < 0,01$) кўрсаткичларни ташкил этди. Фибриноген миқдори нормал даражада бўлган беморларда ОДЮС кўрсаткичи $389,41 \pm 8,72$ м ни, КХБШ кўрсаткичи эса $5,27 \pm 0,18$ баллни ташкил қилган бўлса, фибриноген миқдори нормадан баланд беморлар гуруҳида ушбу кўрсаткичлар мос равишда ОДЮС учун 58,13% га паст ($246,56 \pm 9,42$) ва КХБШ учун 36,43% га баланд ($7,19 \pm 0,13$) кўрсаткичларни ташкил этди. Д-димер учун ҳам юқоридаги ҳолат такрорланди. Д-димер миқдори нормал даражада бўлган беморларда ОДЮС кўрсаткичи $361,73 \pm 9,13$ м ни, КХБШ кўрсаткичи эса $5,42 \pm 0,15$ баллни ташкил қилган бўлса, фибриноген миқдори нормадан баланд беморлар гуруҳида ушбу кўрсаткичлар мос равишда ОДЮС учун 29,85% га паст ($278,50 \pm 10,20$) ва КХБШ учун 30,62% га баланд ($7,08 \pm 0,12$) кўрсаткичларни ташкил этди ($p < 0,01$).

COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган беморларда касаллик клиник кечиши ва ўпка тўқимасининг зарарланиш даражаси орасида боғлиқлик аниқланди: бунда ўпка тўқимасининг III даража зарарланишида ОДЮС нинг 40 % ($p < 0,01$) га пасайгани ва КХБШ ни 49,6 % ($p < 0,05$) га ошиши кузатилди. Шу билан бир қаторда ўпка тўқимасининг зарарланиш даражаси ва КХБШ кўрсаткичи орасида юқори даражадаги тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланди ($r = 0,78$).

Диссертациянинг «COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги бор беморларда гуморал омилларнинг эндотелий дисфункцияси ва касаллик кечиши билан боғлиқлигини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда эндотелий дисфункциясини РААТ, эндотелин-1 СРО, фибриноген ва Д-димер билан боғлиқ ҳолда касалликнинг кечиш хусусиятлари таҳлил қилинган.

COVID-19 ўтказмаган СЮЕ бор беморлар қонида эндотелий дисфункцияси биомаркерларидан эндотелин-1 нинг миқдори $6,04 \pm 0,03$ пг/мл ни ташкил қилган бўлса, ушбу биомаркер COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган беморларда назорат гуруҳидан 48,33% га кўплиги кузатилди ($8,96 \pm 0,08$ пг/мл) ($p < 0,001$). COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган беморлар ФС лари орасидаги эндотелий дисфункцияси биомаркернинг қондаги миқдори таққосланганда улар орасидаги тўғри корреляцион боғланишларни кузатилди. Бунда COVID-19

ўтказган СЮЕ бор I ФС беморлар қонидагидаги эндотелин-1 нинг миқдори $5,81 \pm 0,024$ пг/мл ни ташкил қилган бўлса, худди шу кўрсаткич II ФС учун I ФС қараганда 46,94% га баланд кўрсаткични қайт этди ($8,54 \pm 0,38$). Оғир беморлар гуруҳидан ташкил топган III ФС беморларда эндотелий хужайраларининг зарарланиши юқори даражада кечиб бу гуруҳда эндотелин-1 нинг миқдори I ФС қараганда 2 баробардан кўпроқ даражада, II ФС қараганда эса деярли 40% га баланд эканлиги аниқланди ($11,92 \pm 0,45$ пг/мл) ($p < 0,001$) (2- расм).



2-расм COVID-19 ўтказган ва ўтказмаган СЮЕ билан хасталанган беморларда эндотелин-1 нинг қондаги миқдори

*Изоҳ: $p < 0,05$; ** - $p < 0,001$ фарқлар назорат гуруҳи ва I ФС кўрсаткичларига нисбатан ишончли*

COVID-19 ўтказмаган СЮЕ билан хасталанган беморлар гуруҳида ренин нейрогормонининг миқдори $43,46 \pm 1,53$ МкМЕ/мл ни ташкил қилди. COVID-19 ўтказган СЮЕ бор беморларда ушбу кўрсаткич деярли 1,5 баробар юқори кўрсаткичлар билан намоён бўлди ($61,08 \pm 1,07$ МкМЕ/мл). РААТ нинг марказий аҳамиятга эга ва асосий вазифани бажарадиган ангиотензин II гормонининг миқдори назорат гуруҳида $52,65 \pm 0,86$ пг/мл ни ташкил қилган бўлса, асосий гуруҳидаги ушбу гормоннинг миқдори назорат гуруҳидан 51,06% га баланд эканлиги қайд этилди ($80,04 \pm 1,42$ пг/мл). COVID-19 ўтказмаган СЮЕ бор беморларда альдостерон гормонларининг миқдори $231,76 \pm 2,33$ пг/мл да қайд этилган бўлса, COVID-19 ўтказган СЮЕ бор беморларда 30,73% га баланд эканлиги кузатилди ($302,13 \pm 5,04$ пг/мл).

РААТ гормонларининг ФС орасида тақсимланиши куйидагича бўлди. Ренин гормонининг миқдори I ФС беморлар учун $51,43 \pm 0,75$ МкМЕ/мл ни ташкил қилди, ушбу кўрсаткич II ФС учун I ФС қараганда 17,54% га баланд кўрсаткични қайт этди ($60,45 \pm 0,83$ МкМЕ/мл). III ФС беморларда ушбу кўрсаткич сезиларли даражада фарқ қилиб I ФС қарагандан 43% га, II ФС қараганда эса 23,71% га баланд эканлиги аниқланди. Ангиотензин II гормонининг миқдори I ФС беморлар учун $58,35 \pm 1,31$ пг/мл ни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич II ФС учун I ФС қараганда статистик жихатдан аҳамиятли даражада 28,10% га ($74,91 \pm 1,21$ пг/мл) баланд кўрсаткични ташкил этди ($p < 0,001$). III ФС беморларда

ушбу кўрсаткич ишонарли даражада фарқ қилиб I ФС қараганда 70% дан кўпроқ даражада, II ФС қараганда эса 33,02% га баланд эканлиги аниқланди ($99,65 \pm 1,32$ пг/мл) ($p < 0,001$). Альдостерон гормонининг ФС орасидаги миқдори I ФС беморлар учун $192,41 \pm 2,51$ пг/мл ни, II ФС учун эса бу миқдор I ФС қараганда 32,30% га баланд кўрсаткични кўрсатди. III ФС беморларда ушбу кўрсаткич ишонарли даражада фарқ қилиб I ФС қараганда 73,95% дан кўпроқ даражада, II ФС қараганда эса 31,49% га баланд эканлиги аниқланди ($334,56 \pm 4,11$ пг/мл, $p < 0,001$).

СРО миқдори нормал даражада бўлган беморларда эндотелин-1 нинг миқдори $5,11 \pm 0,06$ пг/мл ни, рениннинг миқдори $53,81 \pm 0,76$ МкМЕ/мл ни, ангиотензин II нинг миқдори $68,2 \pm 1,47$ пг/мл ни ва альдостероннинг миқдори $232,04 \pm 6,45$ пг/мл ташкил қилган бўлса, СРО миқдори нормадан баланд беморлар гуруҳида ушбу кўрсаткичлар мос равишда эндотелин-1 учун 49,70% га ($7,65 \pm 0,18$), ренин учун 20,96% га ($53,81 \pm 0,76$), ангиотензин II учун 26,92% га ($68,2 \pm 1,47$) ва альдостерон учун 24,56% га ($232,04 \pm 6,45$) баланд кўрсаткичларни ташкил этди. Фибриноген миқдори нормал даражада бўлган беморларда эндотелин-1 нинг миқдори $5,04 \pm 0,05$ пг/мл ни, рениннинг миқдори $55,93 \pm 0,81$ МкМЕ/мл ни, ангиотензин II нинг миқдори $71,04 \pm 1,58$ пг/мл ни ва альдостероннинг миқдори $229,69 \pm 6,87$ пг/мл ташкил қилган бўлса, фибриноген миқдори нормадан баланд беморлар гуруҳида ушбу кўрсаткичлар мос равишда эндотелин-1 учун 52,57% га ($7,69 \pm 0,17$), ренин учун 15,59% га ($64,65 \pm 1,53$), ангиотензин II учун 18,30% га ($84,16 \pm 1,73$) ва альдостерон учун 27,07% га ($291,52 \pm 6,06$) баланд кўрсаткичларни ташкил этди. Д-димер учун ҳам юқоридаги тўғри коррелацион боғланиш такрорланди. Д-димер миқдори нормал даражада бўлган беморларда эндотелин-1 нинг миқдори $5,67 \pm 0,07$ пг/мл ни, рениннинг миқдори $53,02 \pm 0,86$ МкМЕ/мл ни, ангиотензин II нинг миқдори $69,80 \pm 1,44$ пг/мл ни ва альдостероннинг миқдори $236,78 \pm 5,95$ пг/мл ташкил қилган бўлса, Д-димер миқдори нормадан баланд беморлар гуруҳида ушбу кўрсаткичлар мос равишда эндотелин-1 учун 29,80% га ($7,36 \pm 0,19$), ренин учун 24,05% га ($66,01 \pm 1,69$), ангиотензин II учун 26,28% га ($88,15 \pm 1,82$) ва альдостерон учун 21,78% га ($288,36 \pm 6,32$) баланд кўрсаткичларни ташкил этди (1-жадвал).


1-жадвал

СРО, фибриноген, Д-димер миқдорининг эндотелий дисфункцияси биомаркерлари билан боғлиқлиги

| | Эндотелин-1 (пг/мл) | Ренин (МкМЕ/мл) | Ангиотензин II (пг/мл) | Альдостерон (пг/мл) |
|---------------------------------|------------------------|--------------------|---------------------------|------------------------|
| СРО 6 мг/л дан кам | $5,11 \pm 0,06$ | $53,81 \pm 0,76$ | $68,2 \pm 1,47$ | $232,04 \pm 6,45$ |
| СРО 6 мг/л дан кўп | $7,85 \pm 0,18$ | $65,09 \pm 1,57$ | $86,56 \pm 1,76$ | $289,21 \pm 6,04$ |
| Фибриноген 400 мг/дл дан кам | $5,04 \pm 0,05$ | $55,93 \pm 0,81$ | $71,04 \pm 1,58$ | $229,69 \pm 6,87$ |
| Фибриноген 400 мг/дл дан кўп | $7,69 \pm 0,17$ | $64,65 \pm 1,53$ | $84,16 \pm 1,73$ | $291,52 \pm 6,06$ |

| | | | | |
|--------------------------|-----------|------------|------------|-------------|
| Д-димер 0,6 мг/л дан кам | 5,67±0,07 | 53,02±0,86 | 69,80±1,44 | 236,78±5,95 |
| Д-димер 0,6 мг/л дан кўп | 8,02±0,19 | 66,01±1,69 | 88,15±1,82 | 288,36±6,32 |

COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган беморлар қонидаги СРО, фибриноген, Д-димер миқдори эндотелин-1, ренин, ангиотензин II, ва альдостерон нейрогормонлари билан боғлиқлиги ўрганилганда улар орасидаги тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланди. Бунда СРО ва нейрогормонлардан эндотелин-1 ($r=0,88$) ва ангиотензин II ($r=0,61$) орасида тўғри кучли корреляцион боғланиш, ва СРО ҳамда ренин ($r=0,48$) ва альдостерон ($r=0,56$) орасида ўртача кучли корреляцион боғланиш мавжудлиги қайд этилди (3-расм).



3-расм. Фибриноген, Д-димер миқдорининг эндотелий дисфункцияси биомаркерлари билан корреляцион боғлиқлиги

Фибриноген ва эндотелин-1 ($r=0,76$), ангиотензин II ($r=0,68$), альдостерон ($r=0,63$) орасида тўғри кучли корреляцион боғланиш, шунингдек фибриноген ва ренин ($r=-0,54$) орасида ўртача кучли корреляцион боғланиш мавжудлиги қайд этилди. Юқоридаги тўғри боғланиш Д-димер ва нейрогормонлар орасида ҳам кузатилди. Д-димер ва эндотелин-1 ($r=0,69$), ангиотензин II ($r=0,62$) орасида тўғри кучли корреляцион боғланиш, шунингдек фибриноген ва ренин ($r=0,47$) ҳамда альдостерон ($r=0,55$) орасида ўртача кучли корреляцион боғланиш мавжудлиги қайд этилди.


Шундай қилиб, COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган беморларда эндотелий дисфункциясининг кучайиши касаллик ФС ларининг ошиши билан ортиб борди, бундан ташқари эндотелий дисфункцияси биомаркерлари ва СРО, фибриноген ва Д-димер орасида тўғри корреляцион боғланиш қайд этилди.

Диссертациянинг «COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда эндотелий дисфункцияси гуморал омилларининг юрак-қон томир ремоделланишуви билан боғлиқлигини ўрганиш» деб номланган бешинчи бобида касалликни кечишида, кардиал ремоделланишда эндотелин-1, ва РААТ гормонлари боғлиқлигининг таҳлили келтирилган.

COVID-19 ўтказмаган СЮЕ билан хасталанган беморларда юракнинг морфологик кўрсаткичлари якуний диастолик ўлчам (ЯДЎ) $51,3\pm0,03$ мм ни, якуний систолик ўлчам (ЯСЎ) $38,2\pm0,04$ мм ни, якуний диастолик ҳажм (ЯДХ)

144,32±3,91 мл ни, якуний систолик ҳажм (ЯСХ) 71,47±2,33 мл ни, чап қоринча орқа девори қалинлиги (ЧҚОДҚ) 11,0±0,03 мм ни, қоринчалараро девор қалинлиги (ҚАДҚ) 12,3±0,01 мм ни, чап қоринча миокард массаси (ЧҚММ) 258,21±6,27 г ни ташкил этди. Функционал кўрсаткичлардан чап қоринча отилиш фракцияси (ЧҚОФ) 50,64±0,54% ни, глобал бўйлама деформация (ГБД) 15,38±0,41% ни ташкил қилди. Ўшбу кўрсаткичлар COVID-19 ўтказган СЮЕ бор беморларда эса дастлабки гуруҳдан сезиларди даражада фарқ қилди. Жумладан ЯДЎ дастлабки кўрсаткичдан 5,2 мм га катталашгани (56,5±0,03 мм), ЯСЎ 2,3 мм га катталашгани, ЯДХ 18 мл га, ЯСХ эса 8,6 мл га ошганлиги кузатилди. ЧҚОДҚ ва ҚАДҚ ўлчамлари назорат гуруҳидан статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилмади, 11,2±0,01 мм га 12,6±0,01 мм мос равишда. Функционал кўрсаткичлардан ЧҚОФ ва ГБД эса дастлабки кўрсаткичлардан яққол ишонарли рақамларда фарқ қилди. Бунда ЧҚОФ биринчи гуруҳ кўрсаткичидан 9% га, ГБД эса 13,98% га пасайганлиги кузатилди.

COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган беморларнинг 34 (24,64%) тасида ЧҚОФ 40% дан паст (ОФ<40%), 50 (36,23%) тасида ЧҚОФ нинг қисқариш фаолиятининг ўртача пасайиши (40-49%) кузатилган бўлса, қолган 54 (39,13%) беморда ЧҚОФ 50% дан юқори бўлди. ОФ>50% бўлган беморлар орасидаги эндотелин-1 нинг миқдори 5,62±0,65 пг/мл ни ташкил этган бўлса, ОФ=49-40% бўлган беморлар гуруҳи орасида бу кўрсаткич ОФ>50% бўлган беморлар гуруҳидан 48,57% га кўп бўлиб, 8,35±0,48 пг/мл ни ташкил қилди. ОФ<40% бўлган беморлар гуруҳида эса бу кўрсаткич биринчи гуруҳдан 86,12% га, ОФ=49-40% бўлган беморлар гуруҳидан 25,26% га кўп эканлиги аниқланди (10,46±0,77). ОФ>50% бўлган беморлар орасида ренин-ангиотензин-альдостерон тизими гормонларининг миқдори ренин учун 54,05±0,79 МкМЕ/мл ни, ангиотензин II учун 69,28±1,45 пг/мл ни, альдостерон учун 235,96±6,29 пг/мл ни ташкил қилган бўлса, иккинчи гуруҳдаги ОФ=49-40% бўлган беморлар гуруҳи орасида бу кўрсаткичлар ОФ>50% бўлган беморлар гуруҳидан ишончли даражада юқори бўлиб, ренин 64,12±1,84 МкМЕ/мл ни (p<0.001), ангиотензин II 78,91±2,85 пг/мл ни (p<0.001), альдостерон миқдори 266,41±8,87 пг/мл ни (p<0.001) ташкил қилди. ОФ<40% бўлган беморлар гуруҳидаги кўрсаткичлар ОФ>50% бўлган беморлар гуруҳидан сезиларли даражада юқори бўлиб, улар орасидаги фарқ мос равишда ренин учун 33,58 % (72,20±2,27 МкМЕ/мл) га, ангиотензин II учун 42,60 % (98,80±1,51 пг/мл) га, альдостерон учун 44,49 % (340,94±4,58 пг/мл) га баланд кўрсаткичлар билан намоён бўлди (4-расм).



4-расм. Эндотелин-1 ва РААТ нейрогормонлари қондаги миқдорининг ОФ кўрсаткичи билан боғлиқлиги

Изоҳ: * - $p < 0,05$; ** - $p < 0,001$ ОФ >50% кўрсаткичига нисбатан

COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган беморлар қонидаги эндотелин-1 ва РААТ нейрогормонларининг миқдори ва ОФ орасидаги корреляцион боғланишлар таҳлил қилинганда энг юқори тесқари корреляцион боғланиш эндотелин-1 ва ОФ орасидаги кузатилди ($r = -0,89$). Ренин, ангиотензин II ва альдостерон учун бу кўрсаткич мос равишта корреляцион боғланишлар тесқари бўлиб ренин ва ангиотензин II учун $r = -0,57$ (ўртача кучли) га $r = -0,61$ (кучли) ни таққил қилди, альдостерон ва ОФ орасидаги корреляцион коэффициент $r = -0,67$ га тенг бўлди.

COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган беморларда кардиоваскуляр хавф омиллари, касаллик клиник кечиши ва лаборатор функционал усуллар натижаларидан келиб чиқиб прогностик матрица яратилди. Бунда беморларнинг ҳар бир кўрсаткичлари учун алоҳида ҳисобланди. Прогнозлаш коэффициентлари топилгандан кейин энг кичик кўрсаткичлар алоҳида гуруҳни, энг катта кўрсаткичлар алоҳида гуруҳни ташқил қилади. Олинган натижалар бўйича COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда касаллик кечишини башоратлаш мезони хавф индекси йиғиндиси 19,87дан 24,13 баллгача ораликда бўлса бундай беморларда ижобий прогноз башоратланади. Агар юқоридаги кўрсаткич 24,13дан 28,39 баллгача бўлса, бундай беморлар оралик зонага тўғри келиб, бу беморлар беморлар эътибор ва кузатувни талаб қилади. Агар хавф индекси йиғиндиси 28,39 дан 32,65 балл орасида бўлса бундай беморлар гуруҳида салбий прогноз башоратланади.

ХУЛОСАЛАР

«COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда эндотелий дисфункциясининг клиник-прогностик жиҳатлари» номли диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

1. COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган беморларда касаллик клиник кечиши ва ўпка тўқимасининг зарарланиш даражаси орасида боғлиқлик аниқланди: бунда ўпка тўқимасининг III даража зарарланишида ОДЮС нинг 40 % ($p < 0,01$) га пасайгани ва КХБШ ни 49,6 % ($p < 0,05$) га ошиши кузатилди. Шу билан бир қаторда ўпка тўқимасининг зарарланиш даражаси ва КХБШ кўрсаткичи орасида юқори даражадаги тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланди ($r = 0,78$).

2. Эндотелий дисфункцияси COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган беморларда эндотелий дисфункцияси биомаркерлари - эндотелин-1 миқдорининг 96,9% ($p < 0,001$) га, рениннинг 43% ($p < 0,01$), ангиотензин II нинг 70% ($p < 0,01$) ва альдостерон 73,9% га ($p < 0,01$) ошиши билан тавсифланди ва касаллик ФС ининг ошиши ҳамда ЧҚ ОФ, ГБД кўрсаткичларининг пасайиши билан асоцирланди. ОФ < 40% бўлган беморлар гуруҳида эндотелин-1 нинг миқдори ОФ > 50% дан юқори бўлган беморлар гуруҳига нисбатан 86,12% га юқорилиги аниқланди. Нейрогормонлар ва ОФ кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғлиқлик таҳлили улар орасида кучли тесқари корреляцион боғланиш борлигини аниқлади: эндотелин-1 учун ($r = -0,75$) ва РААТ нейрогормонлари учун ($r = -0,57$, $r = -0,61$, $r = -0,67$ мос равишда).

3. COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган беморлар қонидаги эндотелин-1 миқдори касалликнинг клиник кечиши кўрсаткичлари билан боғлиқлиги аниқланди, бунда эндотелин-1 ва ОДЮС орасида кучли тесқари корреляцион боғланиш ($r = -0,79$) қайд этилган бўлса, ўпканинг зарарланиш даражаси билан кучли тўғри корреляцион боғланиш аниқланди ($r = 0,62$). Эндотелин-1 ва РААТ нейрогормонлари билан бир қаторда СРО, фибриноген, ва Д-димер кўрсаткичлари ҳам касалликнинг кечишига таъсир кўрсатди. Ушбу кўрсаткичлар баланд бўлган беморлар гуруҳида ОДЮС нинг 31,3% ($p < 0,01$) га пасайиши ва КХБШ нинг 30,3% га ошиши кузатилди.

4. COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган беморларда нейрогормонларнинг ижобий ва салбий чегаралари кесишган нуқталарини аниқлаш учун прогностик мезонлар аниқланди. Салбий прогностик мезонлар бўлиб ОДЮС нинг 320 м дан пасайганида ва КХБШ кўрсаткичининг 6 баллдан ошганида эндотелин-1 миқдорининг 6,5 пг/мл дан, рениннинг 60 МкМЕ/мл дан, ангиотензин II нинг 80 пг/мл дан ва альдостероннинг 280 пг/мл дан ошиши ҳисобланди.

5. COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган беморларда, касаллик клиник кечиши ва лаборатор-функционал усуллар натижаларини ўз ичига олган прогностик матрица яратилди. Ушбу матрицанинг мезонларини баҳолаш касаллик кечишини башоратлайди: йиғинди 19,87-24,13 баллгача бўлса ижобий прогноз, 28,39-32,65 баллгача бўлса салбий прогноз.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ КАРДИОЛОГИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ТЕРАПИИ И
МЕДИЦИНСКОЙ РЕАБИЛИТАЦИИ**

РАХИМОВ АБДУРАХМОН НАИМОВИЧ

**КЛИНИКО-ПРОГНОСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ДИСФУНКЦИИ
ЭНДОТЕЛИЯ У БОЛЬНЫХ ХРОНИЧЕСКОЙ СЕРДЕЧНОЙ
НЕДОСТАТОЧНОСТЬЮ, ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19**

14.00.06 – Кардиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.1.PhD/Tib1662

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном центре терапии и медицинской реабилитации.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.cardiocenter.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Камилова Умида Кабировна**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Мухамедова Муяссар Гафуржановна**
доктор медицинских наук, доцент

Курбанов Нурали Абдурахманович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентская медицинская академия**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2022 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре кардиологии (Адрес: 100052, г.Ташкент Мирзо Улугбекский район, ул. Осиё 4. Тел./Факс (99871)237-31-57, e-mail: info@cardiocenter.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического центра кардиологии (зарегистрирована №_____). Адрес: 100052, г.Ташкент Мирзо Улугбекский район, ул. Осиё 4. Тел./Факс (99871)237-31-57.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2022 года.

Реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2022 года.

Р.Д.Курбанов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, академик

Г.У.Муллабаева

Секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

А.Б.Шек

Председатель научного семинара по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и значимость темы диссертации. Сердечно-сосудистые заболевания (ССЗ) являются наиболее распространенными в мире и остаются основной причиной инвалидности и смерти. По данным Всемирной организации здравоохранения «... от ССЗ в год умирают 17,9 миллиона человек, что составляет 30% всех случаев смерти в мире...»¹. Согласно данным многоцентровых исследований, смерть от сердечно-сосудистых заболеваний чаще встречается у больных с хронической сердечной недостаточностью (ХСН). Во время пандемии COVID-19 показатели смертности от хронической сердечной недостаточности значительно увеличились по сравнению с неинфицированными пациентами с хронической сердечной недостаточностью. На ранних стадиях развития заболевания применение чувствительных иммуноферментных методов в дополнение к традиционным клинико-лабораторным методам является актуальной задачей для раннего выявления клинических признаков заболевания.

В мире у больных хронической сердечной недостаточностью перенесших COVID-19 наряду с оценкой клинических и функциональных особенностей сердца, особое внимание уделяют к клиническим исследованиям по выявлению молекулярно-генетических и функциональных маркеров течения различных клинических форм хронической сердечной недостаточности; ведутся научные исследования по разработке методов раннего выявления и прогнозирования риска заболеваний с использованием иммуноферментных методов. В то же время важно совершенствование методов оценки клинико-прогностических факторов функционального состояния эндотелия у этих больных, а также разработка новых подходов к ранней диагностике и методов прогнозирования развития заболевания.

Развитие медицинской отрасли нашей страны ставит ряд задач, направленных на адаптацию медицинской системы к требованиям мировых стандартов, в том числе осуществляются широкомасштабные меры направленные на снижение осложнений от сердечно-сосудистых заболеваний путем улучшения ранней их диагностики. В этом направлении по коренному совершенствованию системы здравоохранения поставлены ряд задач «...повышение эффективности, качества и популярности медицинской помощи в нашей стране, а также внедрение высокотехнологичных методов ранней диагностики и лечения заболеваний, создание патронажной службы, поддержка здорового образа жизни и профилактика заболеваний...»². При выполнении этих задач целесообразно осуществление исследований по совершенствованию клинических и генетических изменений при хронической сердечной недостаточности и улучшения прогноза риска развития

¹ World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2014/en/statistics.htm>; 2014

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года.

заболевания, а также уменьшения причин инвалидности и неблагоприятных последствий.

